

# ТОҶИГ ҲОЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

## ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929-1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимида киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади.

1-МОДДА. Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувиغا асосланган қуйидаги 31 ҳарф ва 1 тутуқ белгиси (апостроф) дан иборат

Ўзбек алифбоси жорий этилсин:

2-МОДДА. Лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосини жорий этиш билан бирга Ўзбекистон халқининг миллий ифтихори бўлмиш бебаҳо маънавий мерос битилган араб алифбосини ва кириллицани ўрганиш ва улардан фойдаланиш учун зарур шароитлар сақлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
**И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри.

1993 йил 2 сентябрь

Юқорида келтирилган ушбу қонунга қўшимча равишда уни амалга киритиш борасида худди шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҳам қарори эълон қилинди. Бу ҳужжатда лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини амалга киритиш чоратадбирлари белгиланган. Ушбу қарорда "Лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни эълон қилинган хундан бошлаб амалга киритилганлиги ва унга босқичма-босқич ўтилиб, 2000 йилнинг биринчи сентябрига қадар бу алифбога ўтиш тўлиқ тугалланиши

уларнинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Президент девони ходимлари, Республика Давлат телевидение ва радиоэшиштириш компанияси ва матбуот ходимлари киритилган. Республика Олий Кенгашининг топшириғи билан бу комиссия аъзолари уч ойлик муддат ичида мактабгача тарбия муассасаларида, мактаблар, олий ўқув юртларида, корхона ва муассасаларда янги алифбога босқичма-босқич ўтишнинг давлат дастурини ишлаб чиқишади. Қарорда шу жумладан 1995 йилнинг 1 сентябридан мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва

## ЯНГИ ЎЗГАРИШЛАР — ЯХШИ ҲАЁТ УЧУН

Азиз газетхон! Узоқ йиллар давомида республикаимиздаги мактабларда, барча мактабгача тарбия муассасаларида кириллица (рус алифбоси) га асосланган алифбо ўргатиб борилди. Барча давлат корхоналари, муассасаларда ҳам ишлар ана шу алифбодаги ёзувлар билан олиб борилди. Бунинг натижасида бир неча авлод ёшлар тарихий манбааларни ўрганиш, жаҳондаги бошқа тарихий ва дунёвий янгиликларни билиш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Шунинг ҳисобга олган ҳолда яқинда Республикаимиз Президенти лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида Қонун таъсис этди.

кераклиги таъкидланган. Бир қарашда бу анча қийин ишга ўхшайди. Чунки шунча йиллар давомида ёш ҳам, қари ҳам газета-журналларни, китоб ва дарсликларни шу алифбодаги ёзувда ўқиб, хат-битикларни шу алифбодаги ҳарфлар билан ёзишган эди. Қарорда ана шу томонлар ҳам тўлалигича назарда тутилган. Янги алифбога ўтишни амалга киритувчи комиссия тузиш ҳақида ҳам қарорда айтиб ўтилган. Республикаимиз Бош вазирининг ўринбосари М. Қ. Қорабоев раислик қиладиган ушбу комиссияга Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг, Халқ таълими вазирининг, бир қанча вилоятларнинг ҳокимларининг ва

мактабларнинг биринчи синфларида янги алифбо бўйича машғулотлар ўтказишни, қолган синфларда эса факультатив машғулотлар ташкил этиш, 1995 йилнинг 1 августига қадар лотин ёзувиغا асосланган ўзбек алифбосини ўрганиш учун керакли дарсликлар ва бошқа қўлланмалар нашр этилиши зарурлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. Қадрли болалар! Ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларнинг барчаси яхшилик ва фаровон ҳаёт учун. Шу сабаб ҳам сиз — ўқувчи-ёшлар ушбу қарорда кўрсатилганидек, янги алифбони ўрганишга алоҳида киришасизлар, деб ўйлаймиз.



Кулиб туринглар, суратга тушираёпман.

Р. АЛИБЕКОВ туширган сурат.

### Уюшма аъзоларига маслаҳат

60-70 йилларда ўқувчилик кезларини ўтказган кишилар буйинларига қизил буйинбоғ илиб, салют билан пионер вожатийларини кутиб олганликларини, улар аъзо бўлган дружина ва отрядларнинг иши бугун фаолият кўрсатаётган болалар ташкилотига нисбатан қизиқроқ бўлганлигини кўп хотирлашади. Ҳа, бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Биз қанчалик пионерлар ташкилотига "кўрсатмалар асосида иш юритган", "ҳамма ишлар кўргазма учун қилинган" деб таъна қилмайлик, ҳар қалай у болаларнинг бўш вақтларини ташкил этишда, фойдали ишларни амалга оширишда ўзининг салмоқли ҳиссасини кўшган.

Хўш, кейинги йилларда Болалар ва

Уюшмаси деб номлана бошланган ташкилот қайси фаолияти билан мақтана олади?

Республикаимиздаги ўсмир ёшларни ўз орғига эргаштириб, катта ишларни амалга ошираётган болалар ташкилотлари кўплаб топилади. Тошкент вилоятининг Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида, Наманган, Самарқанд вилоятлар туманларида яхши ишларни амалга ошираётган ташкилотлар кам эмас. Аммо ҳозир ҳамма туман ва мактабларда ҳам ишлар ана шундай яхши йўлга қўйилган деб бўлмайди. Болалар етакчиларининг мактубларидан, ўқувчилар билан бўлган суҳбатлардан маълумки, Болалар ва ўсмирлар Уюшмасининг бошланғич ташкилоти тuzилмаган мактаблар жуда кўп, ташкил этилган гуруҳларда эса болалар ҳам, етакчилар ҳам нимадан иш бошлашни билмай қийнаlishмоқда (бу эса ҳеч қандай фаолият йўқ деган гап) ва ҳоказо...

(Давоми 2-бетда).

Бу йил меҳнат-кашларимизнинг ҳимоясини ўйлаб, ҳар бир хонадонга 1 гектардан нўхат экиб бердик. Бундан муаллимлар, бошқа тарбиячилари ҳам четда қолишмади.

«Ватанни севмак — тараққиет демак»

### 2-БЕТ

Шу жиҳатларини эътиборга олиб, театр студиямизни махсус санъат лицейига айлантиришни ният қилган эдик.

«Томоша»да томоша»

### 3-БЕТ

Бошлиқларга ҳаммипа Таъзим қилар одамлар. Қуллуқ қилар уларга Ҳатто менинг дадамлар.

«Катта бошлиқ бўлман»

### 4-БЕТ



Лотинча			Кирилл-ча
Ҳ а р ф л а р			
Босма	Ёзма	Талафф.	Ҳарфлар
A a	А а	a	А а
B b	В в	be	В в
C c	С с	ce	Ц ц
D d	Д д	de	Д д
E e	Е е	e	Э э
F f	Ғ ғ	ef	Ф ф
G g	Г г	ge	Г г
H h	Ҳ ҳ	he	Ҳ ҳ
I i	Ў ў	i	И и
J j	Ҷ ҷ	je (Jōra)	Ж ж (Жўра)
K k	К к	ka	К к
L l	Л л	el	Л л
M m	М м	em	М м
N n	Н н	en	Н н
O o	О о	o (ota)	О о (ота)
P p	П п	pe	П п
Q q	Қ қ	qa	Қ қ
R r	Р р	re	Р р
S s	С с	es	С с
T t	Т т	te	Т т
U u	У у	u	У у
V v	В в	ve	В в
X x	Х х	xa	Х х
Y y	Ҳ ҳ	ye	Ҳ ҳ
Z z	З з	ze	З з
Ҷ ҷ	Ҷ ҷ	Ҷе	Ҷ ж
Ў ў	Ў ў	Ўа	Ў ў
Ғ ғ	Ғ ғ	Ғе	Ғ г
Ҷ ҷ	Ҷ ҷ	Ҷе (aiddod)	Ж ж (ахдод)
Ҳ ҳ	Ҳ ҳ	Ҳе	Ҳ г
Ў ў	Ў ў	Ўе (bɔdɔk)	У у (урдан)
Ғ ғ	Ғ ғ	Ғе	Ғ г

(') - тутуқ белгиси (апостроф)

— Мансур ака, суҳбатимиз бошида сиз бозор иқтисодиёти ва шу билан келиб чиқадиган баъзи бир кийинчиликларни болалар тан олмайдилар, улар ота-оналаридан доим бахтиёр яшашни талаб этадилар, деган фикрни билдирдингиз. Шу сўзларни изоҳлаб берсангиз.

— Аксарият ҳолда болалар ота-оналарининг ҳаётдаги имкониятлари билан ҳисоблаша олмайдилар. Улар ўзларича доимо қорним тўқ ва устим бут бўлиши керак, деган фалсафа билан яшайдилар. Ота-оналарининг ўзлари олдидаги бурчларини яхши англайдилар, яъни катталар кичикларнинг ейиши, кийи-



қарамай Сиз қишлоқ марказида 386 ўқувчига мўлжалланган икки қаватли мактаб биносини қура бошлабсиз. Иккинчи қавати ҳам

**Мансур ҚҶШБОЕВ,**

Самарқанд вилояти,  
Пайариқ туманидаги  
“Халқобод” давлат  
хўжалиги директори.

мактабда ё боғчада бўлиши керакмас. Бу ишни ҳар томонлама олиб бориш керак. Масалан турли касблардаги кишилар билан матбуотда суҳбатлар уюштирмоқ, болаларни эътиқодли қилиб тарбиялаш

борасида кенг фикрлашмоқ зарур. Чунки улар таъсирчан ва тақлидчи бўлишади. Газета ва журналларда катталарнинг фойдали суҳбатларини ўқишга албатта, ўрнак олишга уринадилар. Шу маънода менга “Тоғи юмдузи” газетаси саҳифаларида кейинги пайтларда турли касб эгалари, ҳуқуқ-тартибот органлари

қушиламан. Шунинг билан бирга мен болаларни ёшлигиданоқ чорвага, деҳқончиликка ва бошқа касбларга ўргатиш тарафдориман. Тезроқ кўзлари пишгани маъқул. Қирларда ёнбошлаб китоб ўқишлари мумкин-ку! Кенг дала, қир-адир, гуллар, ўтлар, доимий эсадиган шабада болаларнинг илҳомини келтиради, чуқур ўйларга толдиради. Улар бугун бола, эртага — каттакон чўпон, моҳир деҳқон, олиму муҳандис бўлишлари мумкин. Мен чет элларда бўлган кезларим у ердаги болаларнинг феъл-атворлари, ўқишлари, машғулотлари билан қизиқаман. Очигини айтишим керак. Бизнинг болаларимиз ҳам меҳнатқашликда чет элдаги болалардан қолишмайди. Одоблари ҳам чакки эмас. Шунингдек, қобилияти ҳам. Туркияда ёш болалар ўқишдан бўшаган пайтларида тижорат ишлари билан шугулланишар экан. Бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқ. Мақсад — фойдали иш билан шугулланса бўлгани. Ким билади дейсиз, мактаб ва боғчаларда ўқиётган, тарбияланаётган қора кўзларимизнинг орасида Навоий, Улугбек, Темурлар бордир...

Ота-она учун болаларнинг ёмони йўқ, ҳаммаси азиз. Мустақил Республикамиз ҳам эндигина икки ешга тўлди. Демак, у ҳам бола. Ҳозирча камчиликлар бўлиши табиий. Асосийси эса эркимиз ўз қўлимизда. Бундан буён болаларимизга қанча қайғурсак ҳам оз. Болаларимиз соғлом ва руҳлари тетик бўлиб ўсиши учун талаб этилган озуқалар бўлиши керак. Ширинликлар, шарбатлар мўл бўлгандагина уларнинг соғлом ўсишларини таъминлаш мумкин. Шундай қунлар яқин орада насиб этишига қўрқмай каромат қилсак бўлади. Худога шукур, юртимиз тинч ва осойишта.

— **Болаларнинг эҳтиёжларини қондириш борасида яна қандай орзу-умидларингиз бор?**

— Мана, 28 ўринли шифохонани ишга туширдик. Яқин орада болалар учун ҳам замонавий жиҳозлар билан безатилган катта ва шинам бир шифохона куриш ишини амалга ошириш ниятидамиз. Бунинг учун бизда етарли имкониятлар мавжуд. Бундан ташқари марказдаги ҳозирги кун талабига жавоб берадиган бир тугруқхона курилишини ҳам режалаштириб қўйганмиз. Бу ҳам бизнинг туғилажак фарзандларимизга улкан совғамиз бўлади, деган умиддамиз. Дарвоқе, болалар учун парварда ишлаб чиқарадиган кичик қорхонани ҳам ишга тушириш арафасидамиз.

— **Болаларга тилакларингиз...**

— Илое, ҳеч қачон завод кўрмасинлар! Биз — оталар бор имкониятларимизни фақат болаларимизнинг фаровон ҳаётлари учун сарфлайлик.

— **Қизиқарли суҳбатингиз учун ташаккур.**

## ВАТАННИ СЕВМАК —

ниши, фаровон яшашларини таъминлашлари шарт. Демак, улар ҳеч қандай кийинчиликларни тан олмайдилар...

Маълумки, ҳар бир одам ўз қисмати ва насибаси билан тугилади. Кимдир бир касбни эгаллайди, бошқа одам эса оддий деҳқончилик қилади. Жонларини койитмай пул топишни ўзлаштириб олганлар эса, масалан, чайқовчи деҳқончилик билан кун кўрадиган оиллага қараганда яхши яшаш мумкин. Унинг боласи деҳқоннинг боласига қараганда яхши ейди ва чиройли кийинади. Икки оила орасида қандайдир тафовут пайдо бўлиши мумкин. Бироқ, деҳқоннинг боласи ҳам чайқовчининг боласи каби яхши кийиниш ва ейишни истайди. Бунга у ҳақли ҳам. Лекин биз ҳар иккала оиланинг болаларини айблашга ҳақсизмиз. Чунки орадаги тафовутга болалар асло айбдор эмаслар. Биз катталар истаймизми-йўқми барибир болаларнинг ҳаётини фаровон қилишга бурчлимиз. Катталарнинг эҳтиёжларини бир оз муҳлат орқага суриб туриш мумкин, бироқ болаларнинг эҳтиёжларини орқага суришнинг иложи йўқ... Инсон зоти яралгандан буён болалар доим катталарнинг диққат-марказида турган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Зеро, болалар ҳақида жон куйдириш, аввало, келажак ҳақида бош қотириш, қолаверса, инсоннинг ўз-ўзи ҳақида бош қотириши демакдир...

— **Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида бир Ўзбекистон эмас, бутун дунё шундай кийинчиликларни бошидан кечирган. Вақти билан ҳаммаси изига тушиб кетиши тайин. Бироқ дастлабки пайтларда айрим ерларда курилишлар, тўхтаб ҳам қолди. Ҳатто болалар учун курила бошлаган баъзи мактаб ва боғчалар ҳам шундай холга тушди. Шунга**

**кўтарилибди. Янги боғча ҳам қад ростлабди.**

— Бунга ортиқча изоҳ беришим балки шарт эмасдир. Ҳар қалай қишлоқ марказидаги энг яхши жойни шу мактаб биноси курилиши учун ажратганмиз. Боғлари бор, жисмоний тарбия учун майдони ҳам. Давлат хўжалигимизда эса қишлоқлар кўп. Ҳамма қишлоқларда ҳам эски, мослаштирилган мактаблар мавжуд. Насиб этса, навбат билан барчасини янгитдан қурамиз. Болаларимиз янги мактабларда ўқишга ҳақлидилар. Ўзингизга маълум қишлоқларда асосан кўп болали оилалар яшайдилар. Курилган боғчалар эса торлик қилаётир. Боз устига аёлларимизни иш билан таъминлаш масаласи ҳам турибди. Шу мақсадларда Самарқанддаги “8-март” кийим-кечак ишлаб чиқариш қорхонаси билан шартнома тузиб, қишлоғимизда 120 ўринли кичик қорхона ташкил этдик. Бу ерда ишлайдиган аёллар тушликда бепул овқатланишади. Шу билан бирга қорхона маъмурияти ўз маблағлари ҳисобига болалар боғчаси куриб беришни зиммаларига олишган эди. Куриб битиришди ҳам, фақат озгина пардозлаш ишлари қолди, холос...

Бу йил меҳнатқашларимизнинг ҳимоясини ўйлаб, ҳар бир хонадонга 1 гектардан нўхат экиб бердик. Бундан муаллимлар, боғча тарбиячилари ҳам четда қолишмади.

Мен бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим, Ватанни ва халқни севишга, уларни ардоқлашга болаларимизни кўниктирмас эканмиз, ҳеч қачон бизда тараққиёт бўлмайди. Уларни эътиқодли қилиб тарбияласакгина келажакимиз завод кўрмайди. Тарбия фақат хонадонда,

ходимлари, идора раҳбарлари билан болалар ҳаёти ва муаммолари ҳақидаги суҳбат ва мақолалар маъқул келмоқда.

— **Қишлоқларингиз маркази гўё шаҳарга ўхшайди. Қир бағрига курилган янги чойхона узоклардан киши кўзига чўгдай товланди кўринди. Мен бу чойхонани масжид деб ўйлагандим...**

— Ҳа, биз уни нақшинкор қилиб қураганмиз. Бу бизнинг кўпдан бери қилган орзуимиз эди. Бундай ҳашаматли бинолар юз йилларда бир марта курилади, курилди, демак халқ мулкига айланади. Курилишига миллионлар сарф бўлди. Чойхонанинг очилиши байрамга, тўй-томошага айланади кетди. Тўрт ешнинг ниқоҳ тўйларини қилиб бердик. Тўй саруполарини ўз зиммамизга олдик. Вилоят ҳокими, туман ҳокимлари ҳам қатнашишди. Қувонарлиси шундаки, давлат хўжалиги маъмурияти моддий ёрдамга муҳтож оилалардан икки кишининг фарзандларининг суннат тўйларини ҳам ўтказиб берди. Болаларни “чўгдай” кийинтириб қўйдик. Атрофлари совғасаломларга тўлиб-тошди. Уларнинг номларига кассаларга пул ўтказдик. Бу — эзгу ишларимизнинг бошланиши. Энди ҳар йили мана шу тadbирни давом эттирамиз. Шунингдек, хўжалигимиздаги ноғирон болалар учун нафақа фонди ташкил қилиб, уларга ёрдам бериш ниятимиз бор.

— **Мен ҳали келаятиб қирлар бағрида қўй-эчки ва мол боқиб юрган болаларни кўрдим. Бу — яхши! Бироқ улар кўп вақтларини қуруқ мол боқиб ўтказишлари ҳам тўғри келмайди...**

— Гапингизда жон бор, фикрингизга

## ТАРАҚҚИЁТ ДЕМАК

## УЮШМА АЪЗОЛАРИГА МАСЛАҲАТ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Аксинча, бугун ҳаётимизнинг турли босқичларида кийинчиликларга учраб турир эканмиз, болалар ташкилотининг фаолиятини яхшилаш, болаларни уларнинг бўш вақтларини тўғри ва фойдали ташкил эта оладиган ташкилотларга жалб этиш кўпроқ талаб этилади. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, етакчилар, мактабларнинг ташкилотчилари, синф раҳбарларининг кўпгина илтимосларига кўра, газетамиз саҳифаларида Болалар ва Усмирларнинг куйи ташкилотларини тузиш, унинг фаолиятини ривожлантириш, турли тadbирлар уюштириш борасида баъзи йўлланмаларни бериб боришга қарор қилдик. Уюшма Уставиде айтиб ўтилганидек, унинг барча гуруҳлари ўз хоҳиш ва истакларига қараб иш олиб боришлари мумкин. Биз тавсия этмоқчи бўлаётган йўлланмалар эса иш бошлашга кийнаётган Уюшмалар учундир.

Бу ишни бошлашдан аввал тахририятимиз аъзолари сиз азиз газетчиларга — мактаблардаги болалар етакчиларига, синф раҳбарлари ва мактаб ташкилотчиларига, қолаверса, болаларнинг ўзларига мурожаат қилмоқчи.

**СИЗЛАРГА АНА ШУНДАЙ САҲИФА, ЙЎЛЛАНМА ВА ҚЎЛЛАНМАЛАР КЕРАКМИ? ҚАНДАЙ ЙЎЛЛАНМАЛАРНИ КЎПРОК МУҲТИМРОК ДЕБ ҲИСОБЛАЙСИЗ? ҚИЙНАЛАЁТГАН СОҲАНГИЗ ҚАЙСИ?**

Сизлардан келган мактуб ва тақлифлар асосида биз газетамизда **“УЮШМА АЪЗОЛАРИГА МАСЛАҲАТ”** саҳифачасини очамиз ва юқорида айтиб ўтилган мавзулар бўйича йўлланмалар бериб борамиз. Бу билан Ўзбекистон Болалар ва Усмирлар Уюшмасининг ишига оз бўлсада ёрдам бериш ниятидамиз.

Мактубларингизни кутамиз.



Сиз ва атроф муҳитнинг софлик даражаси наслиги кейинги пайтларда болалар ўртасида ҳам ошқозон ва ичак касалликларини кўпайишига олиб келмоқда. Ана шу масала 31-мактабнинг биология ўқитувчиси Инобатхон опа Маматовани жуда ташвишга солиб келарди. Кассаликларни олдини олиш, атроф-муҳитнинг софлиги учун курашиш аввало маҳалла ва мактабдан бошланади. Шунинг учун ҳам муаллима мактабда “Еш табиатшўнослар” тўғараги ташкил этди. Тўғарақ қошида “Табиат соқчилари” гуруҳи ҳам тузилди. Улар Қорадарё сувини ифлосланишига қарши курашишади, кўча ва маҳаллалардаги ариқларнинг тозаланишига назорат қилиб боришади.

Суратда: Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги 31-мактаб ўқитувчиси Инобат опа Маматова “Еш табиатшўнослар” тўғараги аъзоси билан маҳалла ва мактабларда ўтказиладиган экология мавзусидаги суҳбатга тайёргарлик кўришмоқда.

Р. АЛБЕКОВ суратга туширган.



## ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

бўлиши-ю, учар гилам ихтироси, катта танафус пайтида НУЖларнинг мактаб ошхонасига ташрифю гул тувакларда етиштирилган ананаслар ва яна

ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз.

ДАВОМ ЭТТИРАДИГАН БУЛСАК, ўлкаимизнинг ҳали ҳеч қим ўқимаган тарихию машҳур ёзувчи ва шoirларнинг энг янги ҳикоя, эртақ, достон ва шеърларини, тендошларингиз ижоди намуналарининг илк “Нишона”сини “Гулхан” журналидагина ўқишингиз мумкин.

ЯНА ВА ЯНА, иқтидорли болалар ҳақидаги ҳикояларимизни давом эттирамиз. Сиз литсей, нафис санъат мактаблари, гимназия, иқтидорли болалар мактабларининг бугуни билан янада яқинроқ танишасиз.

ЯНА-ЧИ, сиз ектирган хонадалар, раққосалар, кизикчилар, суҳандонлар ва эстрада гуруҳларининг фаолиятини (албатта суварти билан) “Гулхан”жон оркали билиб оласиз.

Нима, мен “Гулхан”га аллақачон обуна бўлиб улгурдим, дейсизми?! Тасанно! Энди дўстларингизга ҳам “Гулхан” учун обунани эслатиб қўйинг. Ишонаверинг, журнални йил давомида мириқиб ўқийсиз.

**“ГУЛХАН”** журналининг индекси: 75230. Бир йил учун обуна баҳоси — 3396 сўм.

ГУЛХАНЖОН.





"Томоша" фольклор театр студияси кўпчиликка жуда яхши таниш. Театр студия аъзолари ижросидаги қувноқ куй ва қўшиқларга, томошаларга ҳавасманд бўлмаган болалар орангизда топилмаса керак. Ана шу театр студиянинг аъзолари бугун саҳифамиз меҳмони.

**Нодира ҚУРБОНОВА** — "Томоша" театр студиясининг раҳбари, 2 нафар фарзанднинг меҳрибон онаси, 30 дан зиёд ёш санъаткорларнинг суюкли устози.

"Томоша" театр студиясига раҳбарлик қилишимдан аввал ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат олийгоҳида хизмат қилганман. Уқишга кириш учун келган ёшларнинг ҳеч қандай тайёргарликсиз, бирор бир бошланғич кўникмасиз келишларини кўриб ранжиб кетардим. Бунга эса ўша пайтларда ёш актёрларнинг махсус мактаблари, тўғарақларнинг йўқлиги сабаб бўларди. Шунда болаларга ёшлиқданок актёрлик маҳоратини ўргата борадиган бир мактаб тузишни ният қилгандим. Ҳозирги кунда ниятимга, ўз олдимга қўйган

улашса, Наргиза жозибадор рақслари билан дилларни мафтун этади.

Театр студиямиз фаолиятида турли фестивалларнинг ўтказилиши алоҳида ўрин тутди. Ана шундай фестиваллардан бири 1990 йилда Ашгабатда бўлиб ўтган болалар фестивали эди. Биз ҳам унда қатнашиб, унутилмас таассуротлар билан қайтгандик. 1991 йили Москвада бўлиб ўтган "Болалар театрлари" номли фестивалда, 1992 йилда Туркия сафарида бўлиб қайтдик. Ҳаммасидан ҳам ёдда қоларлиси, 1991 йилда Голландияда бўлиб ўтган "Табиатни сақлаб қоламиз"

жуда кам сийлашапти. Шу боис репертуаримиздаги аксарият қўшиқларни ўзимиз ёзиб, ўзимиз куй басталашга мажбур бўлаяпмиз. Яқин кунларда болаларнинг сеvimли шоири Анвар Обиджоннинг "Даҳшатли мешполвон" ҳикояси асосида мусиқали спектакл тайёрлаб, ёш томошабинлар ҳукмига ҳавола этмоқчимиз.

Табийки, театр студиямиз аъзолари шахримизнинг турли жойларида истиқомат қиладилар, турли мактабларда сабоқ оладилар, бадий тўғарақларга, мусиқа мактабларига қатнайдилар. Студиямиз

## «ТОМОША» ДА ТОМОША

мақсадимга маълум маънода етишдим, деб ўйлайман. Бу йил "Томоша" фольклор театр студиямиз ташкил қилинганига 6 йил бўлади. Театр студиямизнинг илк қалдирғочларидан Даврон Ҳошимов ҳамда Рихсилло Исмоилов Маннон Уйғур номидаги санъат олийгоҳида аъло баҳолаб билан ўқишапти. Уларнинг қувончи — менинг қувончим. Кўп йиллик меҳнатларинг самарасини кўришдан ортиқроқ бахт бўлмаса керак.

Ҳозирги пайтда театр студиямизда 30 нафар ўғил-қиз бор. Уларнинг барини ҳудди ўз фарзандларимдек севиб қолганман. Болаларнинг ҳар бири ўзга бир олам. Кимдир қўшиқ куйлашда, кимдир рақсга тушишда ўз маҳоратини кўпроқ намоён эта олади. Ирода завқ билан қўшиқ куйласа, Фахриддин доирасини "сайратади", Анваржон ўзининг ичакузди аскиялари билан кўпчиликка кулгу

номли Халқаро фестивалдаги иштирокимиз бўлган эди. Турли мамлакатлардан келган турли миллат фарзандлари биргаликда яхшиликнинг ёмонлик устидан доимо ғалаба қозониши мавзусида спектакл қўйишди. Қувончли томони шундаки, ҳар бир бола ўз тилида сўзласа-да, томоша ҳаммага тушунарли бўлди, зўр олқишлар билан қаршиланди.

Ўзбекистонимиз мустақиллигининг икки йиллиги кенг нишонланган байрам тантаналари кунда "Рустамбанк" ходимлари студиямиз қатнашчиларига пиониро совға қилдилар. Қўрсатилган бундай эътибор бизни келгусида янада унумлироқ меҳнат қилишга, халқимизнинг дилига мос бўлган ўзбек халқ қўшиқларини, лапар ва термаларини куйлашга илҳомлантиради. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, қўшиқнавис шоирларимиз бизни болаларбон шеърлар билан

машқларида қатнашиш учун эса уларда ҳар доим ҳам имконият бўлавермайди. Машқларимиз баъзан мактаблардаги дарс соатларига тўғри келиб қолади. Бу ҳол кўпгина ўқитувчиларнинг ҳам норозилигига сабаб бўлмоқда. Шу жиҳатларини эътиборга олиб, театр студиямизни махсус санъат лицейига айлантиришни ният қилган эдик. Токи унинг ҳар бир қатнашчиси шу ернинг ўзида ўрта мактаб дастурини ўқишини, турли тўғарақларда ҳам шу ернинг ўзида шуғулланишини, мусиқадан сабоқ олишини. Бундай шарт-шароитнинг яратилиши болаларимизнинг ўз истеъдод, иқтидорларини янада тўлароқ намоён эта олишларига имкон яратади, деб ўйлаймиз. Ҳозирча бу бир режа, холос. Истаган имконият топади, деганларидек, фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаган мутасадди ташкилотларимиз кўмагига умид қиламиз.



**Рустам ЖУРАЕВ**, 12-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, "Томоша" фольклор студиясининг фаол қатнашчиси.

— Санъат йўлини танладим. Бу йўлда менга омад, оқ йўл тиланлар, — дея қўшиқ куйлайди Рустамжон.



**Анвар УСМОНОВ**, 40-мактабнинг 3-синф ўқувчиси, аскиячи.

— Афанди бир кун таниқли бир қўшиқчини тўйга таклиф қилиб борибди. Қўшиқчига унинг кўриниши, кийим-боши маъкул келмабдими, энсаси қотиброк дебди:

— Сиздан бошқа тузукроқ одам йўқмиди?

— Тузукроқлари бор эди. Улар тузукроқларни кетишди-да, — жавоб қайтарибди Афанди ҳам бўш келмай.



**Азамат СОДИҚОВ**, 75-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

— Фараз қилайлик, қўлимда микрофон тутиб, қўшиқ куйлапман. Залдан эса томошабинларнинг қарсағу олқишлари ёғилмоқда. Орзуга айб йўқ, дейишади.



**Наргиза ОЧИЛОВА**, 64-мактабнинг 5-синф ўқувчиси.

— Йиллар ўтади, бизлар ҳам улғайиб, ҳар биримиз ўз йўлимиздан кетамиз. Лекин, қадрдон "Томоша"ни, Нодира опамни ҳеч қачон унутмайман.



**Шақноза ОДИЛОВА**, 70-мактабнинг 2-синфда ўқийди, ҳали жуда ёш, кичкинагина. Лекин орзулари жуда улкан, қизалоқ.

Ф. СП-1

Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»  
**№ ТОНГ ЮЛДУЗИ № 64563**  
 (нашр номи) (нашр кўрсаткичи)

**рўзномасига ОБУНА**

обуна сонг

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(маҳвил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

**Рўзномани ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ**

64563

п.в.	жойи
------	------

(нашр кўрсаткичи)

№ ТОНГ ЮЛДУЗИ №

(нашр номи)

обуна	баҳоси	сўм	обуна
янги ман- вилга			сонг
юбориш	баҳоси	сўм	

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(маҳвил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

### "ТОНГ ЮЛДУЗИ"ГА ОБУНА БЎЛИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ!

Азиз ота-оналар, ўқитувчилар! "Тонг юлдузи" нафақат болаларнинг, балки сизнинг ҳам газетангиз. Чунки унинг саҳифаларида сизнинг фарзандингиз, ўқувчингиз ҳаёти, фаолияти, қизиқиш ва нитилишлари, муаммолари ҳақида мақолалар ёритилади. Фарзандларингиз учун зиё ва билим манбаи. Шундай экан, фарзандларингизнинг ўз газетасига обуна бўлишларига кўмаклашинг!

**ОБУНА БАҲОСИ:**  
 6 ОЙГА — 1.524 сўм  
 1 ЙИЛГА — 3.048 сўм

Феруза ЖАЛИЛОВА сўзбатлашди.

Ҳисомиддин ИСЛОМОВ республика-мизда яшаб, ижод қилаётган уйғур адабиётининг заҳматкаш вақилларидан. У "Ҳаёт ҳужми", "Улфатлар", "Одамлар", "Яна илтимос", "Яша, Ҳўроз дада" ва "Дўстлар" номли бир пардали пьесаларнинг муаллифи.

Ҳисомиддин Исломов болалар шоири сифатида ҳам самарали ижод қилиб келмоқда. Шоирнинг "Зийрак бола", "Ойимнинг қувончи", "Кўк каптар", "Қизил олма номли китоблари Олма отада, "Жазуши" нашриётида чоп этилган.



### Катта бошлиқ бўламан

"Катта бошлиқ бўламан Катта бўлсам албатта!" Рустамжон шу сўзларни Такрорлайди ҳар гапда. Қизик, ҳали Рустамжон Мактабга борган эмас. Лекин қайдан туғилди Ёш болада бу ҳавас? Ё акаси айтганим "Бошлиқ бўлсанг маза, деб. Роҳат қилиб юрасан Ҳар кун шоколад еб. Энг чиройли конфетлар Уйингга келар текин..." Хуллас, бир билай-чи, деб Саволга тутдим секин. Сўрогимга нитизор Тургандайин шу замон, Ичида бор сирини Сўзлай кетди Рустамжон. Бошлиқларга ҳаммаша Таъзим қилар одамлар. Қуллуқ қилар уларга Ҳатто менинг дадамлар. Икки кунинг биринда Меҳмон қилар кун бўйи. Улар кўнглин овлашда Бўлади фикри-ўйи. Бошлиқ келса югуриб Асло чарчамас ойим. Сўзлари ҳам, ўзи ҳам Ипақдайин мулойим. Дастурхонга тўқади Ноз-неъматнинг зўрини. Бошлиқ бобо ўтирар Тўлдириб уй тўрини. Бизлар конфет емаймиз, Конфетни бошлиқ ейди. "Ойжон..." десак ойим "Кўчага даф бўли" дейди. Бошлиқ ҳар келганида Битта кўзи сўйилар. Зиефатдан сўнг яна Совға-салом қўйилар, Яқинда катта костюм Олиб берганида дадам. Бошлиқнинг боласига Совға қилинди у ҳам. Костюм кетгач, йиғладим Чидолмай бу кулфатга. Катта бошлиқ бўламан Катта бўлсам албатта! Бировларнинг ўғлини Йиғлатмайман мен лекин, Совға-салом олмайман, Овқат емайман текин...

Бирон дўсти келиб қолса, Аҳволидан хабар олса. Келтирмасин майлига гул, Келтирмасин совға-салом. Бирон дўст ё синфдоши Тузуқмисан, деса тамом... Бу ердаги болаларга Юрагини очолмайди. Касалликнинг чангалидан Ҳеч қаерга қочолмайди. Кечаси ҳам не пайтгача, Кўзларига келмас уйку. ... Энг аълочи, энг билагон Бола эди синфда у. Тенг-тўшларин ҳеч бирини Қилмас эди назар-писанд. Мана энди Рустамжонга Шу одати берганид панд. Касал бўлган болаларни Сира бориб кўрмас эди. Ўзини хўп баланд тутиб Улар билан юрмас эди. Хатоларин сезган сайин Жони-тани отғир сим-сим. Сўнг қандайдир умид билан Тор йўлакка тикилар уям...



### Қора қарғалар

Ғала-ғала бўлишиб Қоплаб еру осмонни, Қувноқ кўшиқ-куйларга Тўлдиришиб ҳар ённи, Эртаю кеч шўх-шодон Учиб ўйнар қарғалар, Дарахларга, гулларга Эртас сўйлар қарғалар. Улар учун азиядир Ўз ватани, тупроғи, Иссиқ юрлар қидириб Санқишмайди қиш чоғи. Мовий кўкда чарх урар Йилнинг ҳар тўрт фаслида. Йўқдир ватанфурушлик Қарғаларнинг наслида. Сира ташлаб кетишмас Улар ота маконни, Писанд қилмас шунинг-чун, Саратону буронни. Ҳа, укалар, қарғани Қора юрак деманглар. Билиб-билмай ёмонлаб, Сўнг пушаймон еманглар. Ранги қора бўлса ҳам Юраклари топ-тоза. Бэъзи қушлар улардан Олса арзир андоза.

Абдусалд КҮЧИМОВ таржималари.



### Пушаймон

Дард деган ёш танламас, Билиб бўлмас иссиқ жонни. Даволашга ётқиздилар Тоби қочган Рустамжонни. Акалари, укалари Хабар олар ундан ҳар кун. Рустамжоннинг кўзи йўлда Қимлариндир кутар маҳзун. Енидаги болаларга Гул кўтариб синфдошлар Келганида Рустамжоннинг Юрагига чағир тошлар, — Ботгандайин чекар азоб Қани энди худди шу тоб,

# ПОЛВОН

## ҲИКОЯ

Собир уйга етиб келдию, ўзини ўриндиққа отди. Унинг азойи-бадани зирқираб оғрир, аламидан ичи куярди. "Нега, нега ахир шундай бўлди, шу боладан бўш келиб ўтирсам-а?" дерди у ўзига-ўзи.

Собирни қишлоқдаги тенгдошлари жуда яхши билишади. Уни "Полвон" деб чақиришади. Негаки, қишлоқда Собирга тенг келадиган курашчи йўқ. Ҳақиқатан ҳам Собир эпчил, бақувват, чайир, ўзига ишонган бола. У кураш усулларини акаси Мирвоҳиддан ўрганган. Мирвоҳид ҳам қишлоқда ном чиқарган курашчи. Ўзининг айтишича, пойтахтдаги "Физкультурний институт"да ўқийди. У ўқишдан уйга қайтганда Собирга ўз маҳоратларини кўрсатади. Собир акасидан енгилса ҳам ўжарлигига бориб, акасини қайта-қайта кураш тушишга ундайди.

У кечга томон қўшни қишлоққа — ўртоғи Илёларниқига бир иш билан бордию кўчада бир тўп болаларнинг ўзаро кураш тушаётганликларини кўриб, завқи келди. Шунда улардан бири Собирнинг олдига келиб:

— Сени яхши курашади, деб эшитганмиз, қани мен билан ҳам курашиб кўр-чи, — деди.

У устидаги кўйлагини ечди, майдонга чиқди. Унга рақиб бўлиб озғин, новча бола яқинлашди. Собир дарров ўзини кўрсатмади. Олдинига сал рақибига ён босди. Бу ёқда болалар "Ҳа, давай, бос" дея ҳар тарафдан бақиришарди. Бир оз вақт ўтиб Собир рақибини елкаси оша отди. У "гуп" этиб ерга тушди. Илёлс чапак чалиб юборди. Рақибининг жўралари эса "Э, бўлмадинг, пўкки", дея унга дашном беришган бўлди.

Улар Собирга яна бир рақибни рўпара қилишди, у иккинчисини ҳам осон егди. Рақиб тарафлар даргазаб бўлишди. Улардан бири аллақасқадир чопиб кетди-да, бир зумда қайтиб келди ва "Ҳозир Сайфи келади", деди шерикларига. Ҳақиқатан ҳам бир оз вақт ўтиб Собир қатори бир бола ҳаллослаганча югуриб келди. Улар Сайфига нималарнидир шивирлаб тушунтиришди. Шундай

қилиб улар курашадиган бўлишди. Икки полвон ўртасида кураш бошланди. Улар роса куч ишлатишиб, бир-бирларини у ёқдан-бу ёққа отишарди.

Собир анча ҳолдан тойган эди. Сайфи бундан фойдаланиб, унинг қўлини қайирди ва ерга босди, оғриқдан унинг кўзидан ёш чиқиб кетди.

У ҳозир шуларни эслаб азобланыпти. Сайфи унга курашда тақиқланган усулни қўлаган эди. "Мен Сайфи билан бошқа сафар курашаман, ана ўшанда унга кўрсатиб қўяман курашни қанақа бўлишини", деди у қатъий бир қарорга келиб.

У шундай хаёлар билан ташқарига чиқди-да, ювинди. Уйга қайтиб кирди, бояги кўнглисиз воқеани унуттиш ниятида телевизорни ёқди. Аммо сабри чидамади, телевизорни ўчириб, ётди.

Тонготарда туриб, уч-тўртта тенгқурлари билан спорт майдончасига борди. Унинг мақсади Сайфи билан қайтадан куч синашиш эди. Шунинг учун роса машқ қилди.

Бир кун... — Бориб айт Сайфига, эртага ўша жойда кутсин, қайтадан беллашамиз, — деди у ҳуқумфармо Илёлсга.

Эртасига беш-олти тенгқурлари билан белгиланган жойга боришди. Сайфи жўралари билан уларни кутиб туришган экан.

Уртага Собир билан Сайфи чиқди. Болалар ўйин қондасини келишиб, ҳакам ҳам тайинлашди. Кураш бошланди. Собир бу гал жуда эркин ҳаракат қиларди. Кураш ишқибозлари: "Ҳа, Собир, ҳа, Сайфи, бўш келма, бизни уялтириб қўйма", деб иккисига ҳам далда беришарди. Ниҳоят, Собир Сайфини даст кўтарди-да...

Собирнинг ишқибозлари уни қучоқлаб олишди. Сайфи яна Собирга ташланди. Бу сафар ҳам у Сайфини йиқитди...

Собир ўз ўртоқлари билан ортга қайтди. Улар мамнун эдилар.

Зокиржон ШАРИФ ўғли.

### — ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

#### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғазингизга ҳаракат қилинг! Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция бериллади.

#### АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

Бош муҳаррир: Акрам БЕРДИМУРОДОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. ҚАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ,  
М. ПИРМАТОВ /масъула котиб/,  
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,  
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Табъис иғувчилар: ЎЗБЕКИСТОН  
ҒИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин ушуги" номли билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтаининг чоршанба кунин чиқади

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:  
700083, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,  
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.  
Нашр кўрсаткичи: 64563

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-596. 29389 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6